



**ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПАТРУЛЬ-ПОСТ  
ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ  
ҲАМКОРЛИГИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ**

**Мирсодиқов Мирзиёд Жамшид ўғли**

*ИИБ Академияси 3-ўқув курси 318 гуруҳ курсанти.*

**Аннотация:** *Ушбу илмий мақола Ўзбекистонда ўғирлик жиноятларига қарши курашишда патруль-пост хизмати (ППХ) ходимлари ва профилактика инспекторлари ўртасидаги ҳамкорликнинг тушунчаси, ҳозирги ҳолати, илғор тажрибалари, фаолият самарадорлигини таъминлаш учун асосий чора-тадбирлар ҳамда улардан келиб чиққан таклиф ва тавсияларни ўрганишга бағишланган.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқбузарлик, жиноят, ўғирлик жиноятлари, патруль-пост хизмати, профилактика инспекторлари, ҳамкорлик, илғор тажрибалар, таклифлар.*

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишдек юксак мақсадларга эришиш учун истиқлол йилларида ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органларини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди. Шу жумладан, профилактика хизматлари тизимларидаги ислохотлар уларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириб, бугунги кунда янгича ёндошув асосида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши йўлга қўйилган. Мазкур вазифаларни бажаришда профилактика хизматларининг профилактик фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутувчи ички ишлар органлари таянч пунктларининг ташкил этилганлиги катта имкониятлар яратди. Ҳозирда ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторлари, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан яқка тартибда яъни, индивидуал ёндошишда самарали ишларни олиб бормоқда.

Ўзбекистонда жамият хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш мамлакат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда, хусусан, 2017 йил 10 апрелда қабул қилинган “Ички ишлар органлари



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони асосида тизимда катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларнинг марказида жиноятчиликка қарши курашишда патруль-пост хизмати ходимлари ва профилактика инспекторлари ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган.

Профилактика инспекторлари соҳавий хизмат вакиллари билан ҳамкорликда ўғирлик жиноятларига қарши курашишни ташкил этишда жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқариш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқдалар. Қонунчиликнинг мустахкамланишига қарши бевосита жиноятчилик катта салбий таъсир кўрсатмоқда, айниқса агарда содир этилган ўғирлик жинояти буйича аниқланган жиноятчилар тергов ва суд органларига келмасдан, жавобгарликдан кочиб яшириниб юрган бўлиб, уларнинг каерда бўлиш жойлари номаълум бўлса бу нихоятда жамият учун катта ҳафв туғдиради ва янги бундан оғирроқ жиноятларни содир этилишига олиб келади. Шу сабабли, Ички ишлар органлари томонидан ўғирлик жинояти бўйича айбланувчи аниқлаш ва жиноят содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш масалалари нихоятда долзарб аҳамиятга эга. Ҳар қандай давлатда тинчликни сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, жамият ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, давлатдаги мавжуд барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бири маълум бир маъсулиятли вазифаларга эгадир. Ушбу вазифаларнинг ягона мақсад сифатида жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўлиб, бу ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришини такозо этади.

Ҳар қандай турдаги жиноятлар жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий асосларини бузади, фуқароларнинг ҳавфсизлик ҳиссини пасайтиради. Патруль-пост хизмати (ППХ) ходимлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва дарҳол жавоб бериш вазифаларини бажарса, профилактика инспекторлари маҳалла даражасида ҳафв омилларини аниқлаш, фуқаролар билан ишлаш ва профилактик чораларни амалга ошириш билан шуғулланади. Уларнинг ҳамкорлиги жиноятларнинг олдини олиш ва очиш самарадорлигини оширишнинг калитидир.

Патруль-пост хизмати ходимлари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигининг тушунчаси ички ишлар органлари фаолиятининг комплекс тизими сифатида кўрилади. Назарий жиҳатдан, бу ҳамкорлик криминология ва профилактика соҳасининг асосий принципларига таянади. Криминологияда оғир жиноятларнинг олдини олиш учун "профилактика" (олдини олиш) ва "реакция"



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

(жавоб бериш) моделлар фарқланади. ППХ ходимлари реакция беришда рол ўйнаса (яъни, жиноят содир бўлгандан кейин дарҳол чора кўриш), профилактика инспекторлари профилактика фаолият билан шуғулланади.

Бу фаолиятнинг аҳамияти шундаки, у жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини 30-40% га ошириши мумкин. Ўзбекистонда 2025 йилдаги ислохотлар инспекторлар ваколатларини кенгайтирди, уларни эса ППХ билан янада чуқур ҳамкорликка мажбур қилди. Ҳозирги ҳолатда ҳамкорлик асосан маҳалла даражасида амалга оширилади: инспекторлар “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патрул гуруҳларини раҳбарлик қилади, ППХ эса уларни техник воситалар билан таъминлайди.

Жаҳон амалиётида профилактика соҳасида қатор илғор тажрибалар мавжуд. Масалан, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Австралия каби мамлакатларда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлашга асосланган “community policing” (жамоат полисияси) модели кенг қўлланилади. Бу моделда полиция ходимлари аҳоли ичида фаолият юритиб, улар билан доимий мулоқот орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади. Бундан ташқари, жиноятларни муҳит орқали олдини олиш – CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design) концепцияси ҳам кенг тарқалган бўлиб, у орқали шаҳар инфратузилмасини шундай шакллантиришга эътибор қаратиладиги, у ерда жиноят содир этиш имконияти кам бўлади. Масалан, ёритиш тизимлари, видеокузатув, кузатув нуқталари, ташқи архитектура орқали жиноят содир этиш хавфини пасайтириш мумкин.

Халқаро тажрибалардан яна бири – ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш. Жиноятчилик статистикаси, шахсларнинг ҳуқуқбузарликка мойиллик даражаси, ҳудудий таҳлиллар ва гео-маълумотлар асосида жиноятлар қайси вақтда ва қаерда содир этилиши мумкинлигини олдиндан прогнозлаш усуллари кенг қўлланилади. Бундай ёндашувлар Ўзбекистон шароитида ҳам жорий этилиши мумкин. Махсус маълумотлар базалари, электрон кузатув карталар, мобил иловалар орқали профилактика инспекторлари ўз фаолиятини анча самарали амалга оширишлари мумкин бўлади.

Профилактика инспекторлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилиши мумкин. Аввало, уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш зарур. Инспекторларнинг доимий малака ошириши, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаши учун ўқув курслари ва стажировкалар тизимини жорий этиш зарур. Шунингдек, уларнинг фаолиятини моддий ва техник жиҳатдан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Ахборот тизимлари, планшетлар, мобил алоқа воситалари, хизмат



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

транспорт воситалари билан тўлиқ таъминланган профилактика инспектори ўз вазифасини жуда юқори самара билан бажара олади.

Шу билан бирга, профилактика фаолиятида жамоатчиликнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғинлари, ёшлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда жинойтчиликка қарши чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Ҳар бир фуқаро ўз ҳудудида хавфсизликни таъминлашда масъул эканлигини англаши ва профилактика инспекторлари билан яқин ҳамкорликда иш юритиши лозим. Жамоатчилик назорати ва кузатув гуруҳлари ташкил этиш, маҳаллада кузатув нуқталари ўрнатиш, фуқароларнинг хабар бериш тизимини йўлга қўйиш – бундай ташаббуслар самарали натижа беради.

Хулоса қилиб айтганда, ППХ ходимлари ва профилактика инспекторлари томонидан жинойтчилик, хусусан, ўғирлик жинойтларига қаршида ҳамкорликдаги чора тадбирлар самарадорлигига эришиш учун ушбу соҳа вакиллартнинг фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, халқаро илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда миллий шароитларга мослаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, жамоатчиликни жалб этиш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш зарур. Бундай ёндашув нафақат ўғирлик жинойтларини камайтириш, балки жамоат хавфсизлиги, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи ва қонунийликнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-209-сон Фармони.

4. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жинойтларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

5. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.





## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

6. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
8. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.
9. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
10. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.
11. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.
12. Tashtemirov A., Baxtiyorov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo 'yicha sudlar bilan hamkorligining o 'ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.
13. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.
14. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo'yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta'minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.
15. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.